

Нотўлик оилада бола шахсини шакллантиришнинг ижтимоий педагогик тизими

Фируза Раҳимова
Темур Телманов
Илмий раҳбар: С.Хайдаров
ТМС институти

Аннотация: Ушбу мақолада нотўлик оилада тарбияланаётган бола шахсини шакллантиришнинг ижтимоий- педагогик тизими хақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: оила, никоҳ, шахс камоли, тарбия, масулият, меҳрибонлик, карашлар, одоб, ахлоқ, нотулик оила

Social pedagogical system of forming a child's personality in a dysfunctional family

Firuza Rahimova
Temur Telmanov
Scientific supervisor: S.Khaidarov
TMC Institute

Abstract: This article discusses the socio-pedagogical system of forming the personality of a child raised in a dysfunctional family.

Keywords: family, marriage, personality development, education, responsibility, kindness, attitudes, manners, ethics, family integrity

Биламизки нотўлик оила деб эр ва хотинниг ажралиши. Ёки ота онаниг бири вафот этиши. Айрим холларда никоҳсиз фарзанднинг дунёга келиши. Хозирги кунда оилаларнинг пароканда бўлиши, носоғлом мухитни юзага келиши фарзандларни каровсиз қолиши, нотулик оилани шаклланмаслиги учун, мамлакатимизда никоҳ ва оила тушунчаси улар учун белгилаб берилган қоида ва мезонлар мавжуд. Унга кура харбир бола уз оиласида тарбияланиш, узининг ота онаси карамоғида тарбияланиб вояга етишга ҳақли ва хар бир ота-она фарзанди тарбияси учун масулдир. Шарк мутафакирларининг барчасини ғоявий жихатдан бирлаштирилган асоси шу булганки, улар шахс тарбияси ва камолотига оиланинг, оилавий тарбиянинг ролини юқори қуйишган. Айниқса шахсининг ақлий ва ахлоқий камолотида оиланинг ўрни, ота-она ва яқин кишиларнинг

йуналтирувчи ва тарбияловчи вазифаларига алохида этибор берганлар. Улар факат оиладагина ривожланиши мукин булган сифатлар халолик, поклик, мардлик, мехрибонлик, хакгуйлик каби катор фазилатларни юкори куйишлари билан бирга инсоний муносабатларда намоён буладиган юксак фазилатлар, аввало ота- онадан болага ўтиши ва уларнинг жамият таракиётига ижобий тасири каби кимматли фикрлар ва бу борадаги амалий курсатмаларни ўз фалсафий ахлокий, сатсиологик ва психологик карашларида ифодааб берганлар. Ажрим бўлган оилаларнинг 70 фоизи ёш оилалар бўлиб уларда ўртача 2.5 та бола чала етим булиб қолади. Бу каби нотулик оилаларда узига яраша ижтимоий иктисодий муамолар пайдо буладики, шу боис хам Давлатимизни оила сиёсатининг, мазмуни нотулик оилалар сонини камайтиришга каратилгандир. Бунда масаланинг моддий томонидан хам, унинг манавий-ахлокий томонлари бизни купрок ташвишга солади. Оила функцияларини паст даражада бажараётган нотулик оила. Оила функцияларининг ярмидан купини бажармаётган болалар, тарбиясини ўз холига ташлаб куйган, купинча ўз оналик вазифасини деярли бажармаётган, ичкиликка берилган. Оилада мунтазам равишда носоғлом, психологик мухит булган моддий ночор, нотулик оилалар. Ушбу турдаги оилавий мухит базан тулик оилалар орасида хам учраб туради. Нотулик оилада бола шахсини талаб даражасида шакллантириш учун куйидагиларга этибор бериш лозим. Турмуш кураётган ёшларни хар томонлама оилага таёрлаш, рухан ва жисмонан соғлом, репродуктив хаётга таёр эканлигини англаган холда турмуш куришлари лозим, табиийки хар бир ота-она ўз фарзандини бахтли инсон булишини хохлайди. Юкорида келтирилган фикрлар нотулик оилага карши курашиш, нотулик оилани факат салбий, муамоли оилалар сафида курсатиш, уларни ёмон жихатларини идрок этиш маносини бермайди. Шундай нотулик оила фарзандлари борки, улар тулик оилада тарбияланаётган фарзандларидан минг чандон тарбияли, иктидорли, билим солохияти этарли, хаётда уз олдига мақсад куя билган шахс сифатида шаклланишга интилатган ёшлардир. Нотулик оилалар хакида фкир юритар эканмиз ва тахлил килар эканмиз уларни куйидаги гурухларга ажратамиз.

Оила вазифаларини, масулятларини юкори даражада бажараётган нотўлик оила-бу вақтинча ёки узок йиллар давомида нотулик булиб, оиланинг барча функцияларини тулик равишда бажариб келаётган нотулик оила. Бундай оилаларга аксарият холда йетук ёшдаги авлод - бува, бувилар ёрдам берадилар ва бола тарбияси буш вахтини тўғри ташкил етиш, моддий таминот каби функциялар тулик бажарилишида ўзларининг хиссаларини кушадилар. Бунда (агар бевалар оиласи булмаса) ажрашган оила билан яшамаётган турмуш уртоги хам оила функцияларининг бажарилишига имкон даражасида ўз ташаббуси билан хисса кушади.

Ўрта даражадаги нотўлик оила. Оила функцияларининг бажарилишига оила билан яшамаётган турмуш ўртоғи алимент тўлашдан ортиқ ҳечқандай ҳисса кушмайди. Оила функцияларидан энг муҳими булган болани тарбиялаш масалаларида онада, баъзи ҳолларда ота (отаси билан яшаётган булса) етарли кийинчиликларга учрайди. Шу билан бирга она аксарият ҳолларда меҳнат фаолияти билан банд булиши оқибатида оилада психотерапевтик, регулятив, камуникатив функциялар ҳам йетарли бажарилмайди.

Нотулик оилада бола тарбиялаётган ёш оналарга психологик ёрдам курсатиш. Бу психологик маслаҳат, психологик тренинг, психологик мониторинг, психологик ташвиқот, семинар, махсус ўқувлар (ота-оналар университети доирасида), махсус таёрланган буклет, брошюралар ва бошқа шаклларда булиши мумкин.

Нотулик оилада ўсган ва ўз соҳасида таникли булган артист, спортчи, олим, раҳбар, ёзувчи ва шоирларни мактаб ўқувчилари билан учрашувларни ташкил қилиб уларни қандай қилиб кийинчиликларни енгиб ҳаётда ўз ўринларини топганларини шундай мувофақиятга еришганларини ҳақида давра суҳбатлари қилиш лозим. Бундан мақсад нотулик оилани идиаллаштириш эмас, балки ёшларда, айниқса нотулик оилада вояга йетаётган болалар ҳаётида учрайдиган кийинчиликларни йенгишга иродани сафарбар қилишга ургатишдир. Бундай учрашувлар тулик оила болаларига ҳам фойдалидир.

Юртимизда оилавий ананаларга, авлодан авлодга ўтиб келаётган кадрият сифатида жуда кенг манода урғу берилади ва қаралади. Оила жамиятнинг бир бўғинидир унда тарбияланаётган ёшларимиз юртқелажаги ва равнақи учун ҳисса қушадиган авлод булиб йетишмоғи лозим, ваҳоланги келажак ёшларимиз қулидадир.

Нима сабабдан биз кўпроқ оила ва унда юз берадиган муносабатларга этиборли бўламиз, нима сабабдан оила масканида ўзимизни яхши, бахтли ҳис этсак, ишимиз ҳам юришгандек, омадимиз чопгандек бўлади?

Чунки оила бизнинг ҳаётимиздаги энг азиз ва муқаддас даргоҳ! Фақат оилагина инсоннинг бахтли бўла олиши, ўзини қимларгадир керакли ҳис эта олишиёки белмаса ўзини езилган, омадсиз сезишига сабаб бўла олади. Шунингдек, жамият тарақиётининг қутилган даражада чиқа олмаслиги, унинг тарақиётига тўсқинлик қилувчи, унинг инкирозига олиб келувчи қучларнинг юзага келишида ҳам оиланинг ҳисаси қаттадир. Чунки оила муҳити соғлом эмас ва жанжалли ҳамда низоли, ўзаро меҳр-оқибатсиз муҳитда дунёга келиб, шаклланган бола кейинчалик нафақат ўз ота-онаси, ака укаларига нисбатан балки атрофдагиларга, қолаверса, ўз яшаган жамиятга нисбатан ҳам меҳр-оқибатсиз, шавқатсиз, золим худбин, юрт мафаатларига зид ташқи қучлар тасирига осон берилувчан, шу асосда эса ўз оиласи, ўз халқи, ўз юрти учун ҳафли

одам бўлиб йетилиши мумкин. Нотулик оилада тарбияланаётган болаларни рухиятини ўрганиш, улар яшаётган носоғлом мухитни ўрганиш (ёлғиз фарзанд тарбиялаётган ота ёки она)ва уларга психологик ёрдам кўрсатиш манавий ва иктисодий, тиббий кумак олишларида ёрдам курсатиш нотулик оилани бир мунча ахволини яхшилашга кўмаклашади ва унда тарбияланаётган болаларда ишонч ва куч пайдо бўлади. Тарбияси кийинлашиб бораётган болалар сонини нотулик оилалар ҳисобига янада ортиб бораётганлиги ташвишланарли. Оилада тарбиянинг бир тамонлама олиб борилиши. боланинг шахсий хусусиятига йетарлича этибор берилмаслиги, яна ота ва она томонидан тенг тасирининг йуклиги, бола билан бўладиган муносабатларнинг сифат жихатидан ўзгарганлиги аста секин унда отасига ёки онасига нисбатан ётсираш хиссининг ўйғонтштга сабаб бўлади, бу эса унинг ривожланишига катта ҳафв туғдиради. Оиладаги янгича яшаш шароити бола рухиятига икки хил тасир этади: факат ота ёки онанинг тасирида бола бир томонлама ривожланади ва аксинча, ота ёки онани мақсадга мувофиқ оқилона тасир этиши бола ривожланишининг бир текис булишини таъминлайди. Ҳар икки ҳолатнинг ижобий ва салбий томонларини билиш, бола тарбияси учун тасир кўрсатиш методларини аниқлаш муҳимдир. Изланишлар шуни кўрсатмоқдаки, нотулик оиланинг тарбиявий тасири ижобий натижа беришга нисбатан кўпроқ салбий тасир этмоқда. Чунки бугунги нотулик оила бошлигининг рухияти бундан 20 йил олдинги нотулик оила бошлигининг рухий хусусиятидан тубдан фарқ қилади. Боланинг ижтимоий тушунчаси тўлиқ оиладаги боланинг тушунчасидан бир мунча тор булади, чунки онанинг оилада ҳам она ҳам ота вазифасини бажариши унинг ижтимоий тасаввурларини кенгайтирмайди. Нотулик оилада тарбияланган болаларга ижтимоий ҳаёт тўғрисида тушунчаларнинг торлиги ўғил болаларга нисбатан киз болаларда яққол сезилади, чунки ўғил болаларнинг спорт ўйинларига, техникага бўлган кизиқишлари ўйин, меҳнат фаолиятларида ўзаро муносабатда бўлишлари уларда ижтимоий тушунчаларнинг малум даражада ўсишини тахминлайди.

Хулоса урнида шуни таъкидлашимиз жоиз ки, жамиятимизда нотулик оилаларнинг камайишига ёки имкон қадар, йук булишига қаратилган кенг қўламли чора тадбирлар ўз самарасини беришини ва бўлажак ота, бўлажак она, ўғил кизларга оила тушунчасини, ўзимиз ўрнатқ булиб намуна бўлишимиз ва жамиятимиз доим тулик оилада раванқ топишини уқтиришимиз шарт ва зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Goziyev E. G. Mamatov M. M. va boshkalar "O'spirin psixologiyasi" ToshD. U. 1992.
2. Goziyev E. G Utanov B "Xamkorlik psixologiyasi" T. , Tosh D. U. 1992
3. Lyaudis V. L. - Metodika prepodavaniya psixologii, iz. vo 2000.

4. Sulaymon Amirqulovich Xaydarov. (2024). O'quvchilarni tarbiyashda ijtimoiy fanlarni o'qitishni didaktik imkoniyatlari. SCIENCE AND EDUCATION SCIENTIFIC JOURNAL. 5. 1. B. 271-275.

5. Khaydarov S, A. (2023). Using technologies in teaching social sciences. GALAXY INTERNATIONAL INTERDISCIPLINARY RESEARCH JOURNAL (GIIRJ), (pp. 305-309). 11(9).

6. Хайдаров, С. (2023). Pedagogik faoliyatda o'qituvchi o'zida kompetentlik sifatlarini shakillantirishi. Цифровизация современного образования: проблема и решение, 1(1), 64-67. <https://inlibrary.uz/index.php/digitalization-modern-education/article/view/24652>

7. Хайдаров, С. А. (2023). ТАРИХ ДАРСЛАРИДА САНЪАТ АСАРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ УСУЛЛАРИ. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 3(1/2), 92-96.

8. Khaydarov, S. A. (2021). The role of the use of fine arts in teaching the history of the country. International scientific and practical conference. CUTTING EDGE-SCIENCE. In Conference Proceedings (pp. 41-43).

9. Шаумарова, З. А. (2017). Нотўлик оиланинг ижтимоий-педагогик муаммолари. Современное образование (Узбекистан), (6), 53-58.